# МАҲАЛЛА ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

**Бирор киши ҳақида фикр билмоқчи бўлинса, маҳаллада ўрни, обрўси қандай, дея сўрашади. Бунинг замирида чуқур маъно бор. Агар инсон аввало ўз маҳалласи, маҳалладошлари ҳақида чин дилдан қайғурса, севимли гўшанинг ободончилиги, аҳолисининг тинч-тотув яшашига муносиб ҳисса қўшишга интилса уни жонкуяр, фидойи, дея таърифлаш мумкин.**

**Зеро, одамларнинг бошини қовуштириш, ҳар бир хонадонда соғлом муҳитни таъминлашда маҳалланинг роли беқиёсдир. Шу боис, уларга тобора катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2003 йил – Обод маҳалла йили, деб эълон қилиниши бу борадаги хайрли, савобли ишларга янги омил бахш этди, маҳалла оқсоқоллари, фаолларига кўтаринки кайфият, куч-қувват бағишлади.**

**Маҳаллада яшаётган меҳнаткашларни ва биринчи навбатда мададга муҳтож оилалар, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишида энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш Республика касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.**

**Тошкент туманидан тайёрланган қуйидаги саҳифада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.**



*Тафтиш комиссиясининг раиси Карим Ҳайитметов маҳалла фаоли Эркин Эгамбердиев билан келгусидаги иш режалари тўғрисида суҳбатлашмоқда.*

## ОБОД

### бу аввало осойишталик, аҳиллик, қут-барака дегани

Маҳалламиз фаоллари ўз фаолиятида хўжалик, корхона, муассаса, ташкилотлар билан бир қаторда касаба уюшмалари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Буни биргина ҳудудимиздаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу хўжалик ўрамида Мавлон Ғаниев, Зоиржон Жалилов, Алишер Навоий, Ғафур Хошимов маҳаллалари жойлашган бўлиб, уларда ободонлаштириш ишлари, маданий-маърифий тадбирлар уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Сўнги йилларда қувончли ўзгаришлар кўзга ташланди. Икки қаватли 9-ўрта мактаб, марказий поликлиника, туғруқхона, маъмурий бинолар, почта, халқ банки, оталар чойхонаси, музей, сартарошхона, боғча қурилиб ишга туширилди. Аҳоли ичимлик суви ва табиий газдан баҳраманд этилди. Бизга хўжалик раҳбари Искандар Фозилов, касаба уюшма қўмитаси раиси ҳамиша мададкор.

Фаоллар билан фикрлашиб, маҳалламизнинг янги қурилишлар кетаётган кўчаларига газ ва ичимлик суви қувурлари тортиш борасида ёрдам беришларини сўраб, хўжалик мутасаддиларига мурожаат қилган эдик. Таклиф қўллаб-қувватланди. Касаба уюшмаси жонбозлик кўрсатиб, ташкилотчилик ишларини зиммасига олди. Қисқа вақт ичида бир километр узунликда қувурлар тортилиб, барча янги хонадонлар «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Икки йил ичида асос солинган «Нуронийлар уйи», «Маънавият ва маърифат хонаси»нинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталсам. Фуқаролар бўш вақтларида бу ерга келиб газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар. Янгича анъаналар, урф-одатларни турмушга кенгроқ жорий этиш ҳақида ўзаро фикр алмашадилар. Муҳими ҳар бир тадбир одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтирмоқда.

Эндиликда вақти-вақти билан республикамизнинг тарихий жойларига саёҳат уюштириш одат тусига кирган. Бу йил бир гуруҳ нуронийлар, ишлаб чиқариш илғорлари Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларида бўлиб, бой таассуротлар билан қайтишди. Биргалашиб театрларга бориlaётганлиги ҳам ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашни истардим. Ўтган йили бахтсиз ходиса туфайли бир хонадон мушкул аҳволда қолди. Шунда хўжалик маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ярим миллион сўм маблағ ажратиб, уларнинг мушкулини осон этди. Шунингдек, иситиш тармоқларини таъмирлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам касаба уюшмаларининг мададини чуқур ҳис этиб яшамоқдамиз.

Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент вилояти болалар сил касалликлари биринчи шифохонасига кийим-бош олиб берганлигини фарзандларимиз зўр миннатдорчилик ила эслашади. Умуман ҳамжиҳатлик бор жойда ҳамиша эзгу ишлар рўёбга чиқаверади.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли.**



**Ислом КАРИМОВ:**
***Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.***

## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

*Бу касаба уюшмалари шиори. Ҳа, энг оммавий жамоат ташкилоти меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси. Шарафли вазифа зиммамизга катта масъулият юклайди. 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга чорлайди.*

Туманимиздаги М.Фозилов номли, Абдураҳмонов номли, «Тошкент» ширкат хўжаликларида ишловчилар манфаати, ҳақ-ҳуқуқи тўла ўз ифодасини топган жамоа шартномаларининг бандлари аксарият ўринларда тўла бажарилмоқда. Масалан, хўжаликлар ҳудудидаги 70 ва 80 ёшдан ошган қарияларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари хўжаликда 20 йил ишлаган аёлларга, 25 йил фаолият юритган эркакларга улар нафақага чиққанларида газ, сув, электр энергияси ҳақининг 50 фоизи хўжалик ҳисобидан тўланмоқда. Бу хўжаликка 40 миллион сўмдан ортиққа айланади.

Меҳнатни муҳофазалаш, техника ҳавфсизлигини таъминлаш касаба уюшма фаолиятида муҳим ўрин тутади. Биз вақти-вақти билан текширувлар ўтказиб, ишловчилар учун зарарли бўлган, улар ҳаётига ҳавф солувчи носоз асбоб-ускуналар, дастгоҳларни вақтинчалик тўхтатиб қўямиз. Камчилик тугатилганидан сўнг дастгоҳлар ишга тушади.

Қатор жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Жорий йилда ўтказилган спартакиада барчада катта таассурот қолдирди. Бунда Ғ.Абдуллаев номли, «Ўзбекистон», Абдураҳмонов номли ширкат хўжаликлари касаба уюшма қўмиталари фаол иштирок этдилар. «Тошкент», Т.Мирзаев номли хўжаликларда ташкил этилган футбол жамоаларига барча шароит муҳайё этилган. Айниқса, «Тошкент» ширкат хўжалиги касабақўми раиси Содиқ Орипов «Шамсиобод» маҳалла қўмитаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳамжиҳатликда ажойиб болалар майдончаси бунёд этилди. Эндиликда бу маскан болалар спортини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.



Ҳурматли Президентимиз Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрнига, аҳамиятига юксак баҳо берди. Шу ўринда бир фикр: ҳозирда маҳалла зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юкланган. Шу боис анжуманда таъкидланганидек, бугун қайси маҳаллаларда ҳокимият, қайси маҳаллаларда маҳалла масъул эканлигини қонуний нуқтаи назаридан аниқ белгилаш вақти етди.

**Анвар СОДИҚОВ,**
**Тошкент тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи.**

## МУНОСИБ РАҒБАТ

Муҳаммаджон Фозилов номли ширкат хўжалигини нафақат туманимизда балки, вилоятимизда ҳам яхши билишади. Дарҳақиқат бизда етиштирилаётган меваларнинг, олтиндек товланадиган узумларнинг тарифини келтиришга сўз ожиз. Кузакда истаган хонадонингизга кириб разм солсангиз бамисоли жаннатга кириб қолгандек бўласиз. Ширкат аъзоларининг турмуш кечиришлари меҳнатларига яраша бўлмоқда. Чунки жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ишни эмас, ишни кўзини билиб меҳнат қилишга одатланишган. Шу даражага етиб келишимизга ширкат хўжалигининг фахрий раиси Сиддиқжон Маҳаммаджонов, раис Акбар Сулаймонов, хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳкам Иноятовларнинг хизматлари беқиёс. Хўжалигимизда мустақиллик йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Сув чиқмайдиган майдонларга обиҳаёт таралиб, янги боғлар бунёд этилди. Эндиликда 324 гектар узумзор 780 нафар оилавий пудратчи ихтиёрига берилган.

Шу ўринда хўжалигимиз ҳудудидаги маҳалла қўмиталарининг меҳнаткашларга яратиб бераётган шароитлари ҳақида тўхталиб ўтсам. Мавжуд иккита боғчада фарзандларимиз яйраб тарбияланишмоқда. Қарияларимиз доимий эътиборда. Замонавий касалхона ишга тушгани барчани қувонтирди. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ҳам талаб даражасида. Шу боисдан бўлса керак Шоназар Бойматов, Раҳматилла Абдуллаевлар каби кўплаб пудратчилар шартнома режаларини ошириб бажаришмоқда. Ўзим ҳам ҳар йили узумдан рекорд ҳосил олишга эришяпман.

Меҳнатга яраша рағбат бўлгандан кейин албатта ёниб ишлайди-да киши.

**Қаҳрамон ПЎЛАТОВ,**
**пудратчи.**

## КЎНГИЛ ГУЛДЕК НОЗИК

Чинданам инсон кўнгли ғоятда нозик. Бир оғиз ширин сўз билан одамзотни руҳлантириб, унга қанот бағишлаш мумкин. Тошкент тумани меҳнат аҳли республикамиз ҳукумати хусусан, ЎзКУФК-нинг яқиндан мададини ҳис этиб яшамоқда. Масалан, байрам кунлари 3-мактабнинг кам таъминланган 21 нафар ўқувчисига агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан 100 минг сўмлик кийим-кечак олиб берилди. 30-мактабнинг ўқувчи-ёшларига спорт анжомлари топширилди.

Енгил мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳам ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Доимий ҳамкорлар Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 10 йиллиги арафасида 16-мактаб ёшларига 240 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар.

Хўжалигимиз касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. «Ёшлик», «Хиёбон» маҳаллаларида болалар спортини ривожлантириш юзасидан хайрли ишларга қўл урилди. Мустақиллик йилларида аҳоли анча вақтдан бери орзу қилиб келаётган бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқарилди. Эндиликда 410 ўринли тўйхона, замонавий мактаб, ажойиб поликлиникамиз бор.

Биз одамларни ҳимоялаш учун керак бўлса давлат идоралари, мансабдор шахсларининг тинчини бузиб, тегишли ёрдамни ундириб олиб, мададга муҳтож бўлган инсонлар мушкулини осон қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Фикримча, аввало инсонга меҳр-эътибор қаратиш зарур.

**Аловуддин АБДУЛЛАЕВ,**
**Ғиёс Умаров номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## «УМИД ГУЛШАНИ»

### орзуга эриштирди

Хўжалигимизда бўлган киши деҳқонларимизнинг яшаш шароити, даромади, амалга ошираётган ишларини кўриб ҳавас қилади. Чиндан ҳам бу ерда асл миришкорлар яшашади. Ердан унумли фойдаланишни биламиз. Ажойиб узумзорлар, ойнаванд далалар, қўраларимиздаги қўй-қўзилар яхши ҳаётни таъминламоқда.

Ўзим боғбон фарзандиман. Олтин куз кезлари ҳовлимизда бўлсангиз хўраки, халқимиз севиб истеъмол қиладиган ранго-ранг узумларни кўриб ақлингиз шошади. Ортганини бозорга чиқариб, истеъмол бозорини тўлдиришга озми-кўпми улуш қўшаяпмиз. Хайрли ишларни амалга оширишда касаба уюшма қўмитасининг ёрдами катта бўлаяпти.

Ҳаётий бир мисол. Оиламизда ҳамма нарса бор, сояи давлатимиз ўзимизга яраша. Бироқ, анча вақтдан бери фарзандга муштоқ эдик. Чуқур мулоҳазадан сўнг касабақўм раиси, биздек яқин маслаҳатчимиз Маҳкам акага учрашдим. У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармасининг «Умид гулшани» сиҳатгоҳига боришни тавсия этди. Елиб-югуриб йўлланмани ҳам қўлимизга тутқазди. Очиғи сиҳатгоҳга келиб ҳайратландим. Республикамиз ҳукумати меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида беқиёс меҳрибонлик кўрсатаётганлигини қалбдан ҳис қилдим. Шинам жиҳозланган, ёруғ хоналардаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, муолажа тадбирлари барчага манзур. Шифокорларнинг ширин сўзи, атрофингизда парвона бўлиши кўнглингизни кўтаради. Не бахтки, «Умид гулшани» орзуимга етказди. Умрдошим билан фарзанд кўриш арафасидамиз. Хурсандчилигимни, миннатдорчилигимни сўз билан ифода қилишга ожизман.

**Баҳодир ЖУМАНОВ,**
**боғбон.**

## БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

***Мустақиллик шарофати туфайли корхонамиз фаолият юрита бошлади. 1998 йил августидан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Иноқ жамоада 40 киши меҳнат қилади. Замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилганлиги, тажрибали ,омилкор мутахассислар жалб этилганлиги боис 25 хил дори-дармонни аҳолига етказиб бераяпмиз.***

Бизда айниқса ёшлар ишлашга ҳавасманд. Цехларимиз озода, ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Уларга керакли неъматлар, сут маҳсулотлари бериб борилмоқда. Бунинг учун яхшигина маблағ ажратилган. Ниятимиз, дори-дармонлар хилини янада кўпайтириб, келгусида хорижга ҳам экспорт қилиш.

Иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олган корхона савобли ишлардан четда қолмаяпти. Хусусан, Келес шаҳридаги «Илғор» маҳалласи билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Бу ердаги қатор нуронийлар, ўзгалар мададига муҳтож кишиларга бепул дори-дармон етказиб берилмоқда. Маҳаллада бўлаётган тадбирларда ходимларимиз қатнашиб, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб боришаяпти.

Яхши эслайман, кунларнинг бирида оталиғимиздаги маҳалладан бир хонадонга ўт тушиб, турар-жой биноси буткул ёниб кетди. Шунда кўплар қатори ёрдамга шошилдик. Жабрдийдаларга 100 минг сўмлик ёрдам кўрсатиб, ўзларини тиклаб олишларига кўмаклашдик. Пахта йиғим-терими мавсумида эса туманимиздан далаларда ҳосил йиғиштираётган теримчиларга 150 минг сўмлик бепул дори-дармон етказиб бердик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини маҳалла аҳли билан биргаликда ўқиб, ғоятда ғурурландик. Қаранг, жорий йилда ногирон ва қаровчисиз кексаларга республикамиз бўйича 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилибди. Бу режадагидан уч баробар кўп экан. Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирланибди, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилаётгани, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани қалбимизни мамнун этди. Маҳаллага эътибор, бу элга эътибордир. Бу борадаги хайрли ишлар тобора кўпаётганидан бағоят хурсандмиз.

**Тошпўлат ҚОДИРОВ,**
**«Астрафарм» масъулияти чекланган жамият раҳбари.**

## ОРТИҚЧА ДАҲМАЗАЛАР КИМЛАРНИНГДИР ЕЛКАСИГА МАШАҚҚАТЛИ ЮК БЎЛМОҚДА

Ўзбекчилик, ор-номус деган гаплар бор. Бунинг устига «кўпнинг қаторида» деган иборани ҳам бот-бот ишлатамиз. Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундай олийжаноб тушунчани аксига айлантириб, ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб, ўзининг моддий шароитига катта зарар етказадиган тўй-у маросимлар ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

Ахир ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, ортиқча даҳмазалар кимларнингдир елкасига машаққатли юк бўлиб, уларни эзмоқда. Баъзида чоғимиз келмаса-да, қарз кўтариб бўлса ҳам тўйларни катта қилишга уринамиз. Шундан кейин ойлар мобайнида оила ўзига келмайди. Қарзни қайтариш керак-да. Хўш, тўйга кетадиган ортиқча маблағнинг бир қисми ёшларимизнинг оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакнинг соғлом ўсишига хизмат қилса бўлмайдими.

Яқин бир танишим гапга юрмай оилавий тантаналарга зўр берди. Мол-ҳолини сотиб, қарз ҳам кўтарди. Тантаналар ўтганидан сўнг анчайин кўринмай қолди. Билсам жўралари қарзни қайтар, дея қистовга олишаётган экан. Дўстим ўғиллари билан елиб-югуриб пуя топиш дардида саломатлигини йўқота ёзди ва сўнггида, ўйламай иш қилиб, сохта обрўга берилиб болаларини қийнади...

Ишонаманки, 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни камчиқим, барчага манзур бўларли тарзда ўтказишни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

**Аслиддин НАМОЗОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

*Саҳифани тайёрловчилар: Неъмат РАФИҚОВ, Икром ҲАСАНОВ (сурат), «Ишонч» мухбирлари.*

# МУДДАТЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***иш берувчига барча ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи берилганми? Агар иш берувчи меҳнат шартномаси тузишда ёки ходим ишлаётган даврида у билан маълум бир муддатга меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида буйруқ чиқарса, буни қандай баҳолаш керак бўлади?***

***Муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида тушунтириш берсангиз.***

**Р.МЕЛИЕВ,**
**Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

**ЖАВОБ:** меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи Меҳнат Кодексининг 72-76-моддалари талабларига тўлиқ амал қилмоғи зарур.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва у иш берувчига ҳамда ишга кирувчи шахсга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади ҳамда мансабдор шахснинг имзоси муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Қонунда меҳнат шартномасининг муддати уч хил бўлишлиги кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат шартномалари:

номуайян муддатга (муддатсиз);

беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Муассаса раҳбарлари қонунчиликни яхши ўзлаштирмаганликлари туфайли ходимларни ишга қабул қилиш даврида ва иш давомида қонунга риоя қилинмаган муддатли меҳнат шартномаси тузадилар. Чунки бу иш берувчи учун ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг осон усули ҳисобланади, яъни меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан Меҳнат Кодексининг 105-моддасига асосланиб, ходимни вазифасидан озод қилади. Бу албатта, нотўғри. Иш берувчининг барча ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин эмаслиги Қонунда белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам Меҳнат Кодексига алоҳида қилиб 76-модда, яъни «Иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаш» киритилган.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги Қонунига асосан муддатли меҳнат шартномалари:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Демак, Қонуннинг талабидан кўриниб турибдики, доимий бўш лавозимга муддатли меҳнат шартномаси тузган ҳолда ходимни ишга қабул қилиб бўлмайди. Вақтинчалик ишда бўлмаган (таътилда бўлиши, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсиз даврида ва узрли сабабларга кўра) ходимнинг ўрнига ишга қабул қилинганда ҳамда ходимнинг аризасига мувофиқ ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳоллардагина ходим билан беш йилгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Агар бу талаб бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 5-моддасига асосан бу тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ҳамда муайян ишни бажариш учун мўлжаллаб тузилган шартномалар муддатли меҳнат шартномаси деб тушунилади.

Муайян муддатга ёки муайян ишни бажариш вақти учун тузилган меҳнат шартномасини тўхтатишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шартномани тўхтатиш учун битта шарт, яъни шартнома муддатининг тугаганлиги кифоядир.

Меҳнат Кодексининг 105-моддаси иш берувчи ва ходимга ҳам меҳнат муносабатларини меҳнат шартномаси муддати тугаган кундан кейин келадиган бир ҳафта ичида тугатиш имконини беради. Меҳнат муносабатлари шартнома муддати ўтганидан кейин ҳам давом этаётган бўлса ва томонлардан бирортаси ҳам бир ҳафта давомида шартномани тўхтатишни талаб қилмаса, шартнома номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Ҳар бир иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси фаоллари шуни билиб қўйишлари зарурки, меҳнат шартномасини ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, таътилда бўлиши ва узрли сабабларга кўра ишга чиқмаётган даврида бекор қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги Қонун талаби фақат ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишига тегишли бўлиб, бу меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан шартномани тугатишга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Меҳнат шартномасини муддати тугаши туфайли бекор қилинишида касаба уюшма қўмитасининг ёки ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилиги олиниши талаб қилинмайди. Худди шунингдек, меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 105-моддасига кўра бекор қилишда ходимга нафақа тўлаш қонунда назарда тутилмаган.

Меҳнат қонунчилигида муддати тугаганлиги сабабли муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча кафолатлар белгиланганлигини унутмаслик керак.

Меҳнат кодексининг 237-моддасига асосан муддати тугаганлиги сабабли ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда улар албатта ишга жойлаштирилиши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузишда ва бу муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда муассасаларда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда. Шу сабабли касаба уюшма қўмитаси фаоллари ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб боришлари ва унинг бажарилишини назорат қилишлари ҳамда агар иш берувчи томонидан мунтазам равишда (текшириш ўтказилиб, таклифлар киритилганда ҳам) муддатли меҳнат шартномаси тузиш қонун-қоидалари бузилиши давом этса, касаба уюшма қўмитаси раёсати йиғилишида муҳокама қилинмоғи зарур.

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





## Саволларингизга ТДЮИнинг Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

# ТАЪТИЛ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

**САВОЛ: ўқитувчиларнинг меҳнат таътилига ҳақ тўлашда ўртача иш ҳақи қандай ҳисобланади?**

**Э.АБДУАЗИЗОВ ва бир гуруҳ ўқитувчилар,**
**Пахтакор тумани.**

**ЖАВОБ:** ходимга тегишли бўлган ўртача ойлик иш ҳақ ҳисоблаб чиқариш тартиби (шу жумладан, таътил вақти учун ҳақ тўлашда) Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан амалга оширилади. Ушбу қарор билан белгиланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»нинг 1-бандига кўра, таътиллар вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган миқдорини ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб чиқилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

Кўриб турибсизки, меҳнат таътили учун ҳақ тўлашда ходимларнинг йил давомидаги эмас, охирги марта олган иш ҳақидан (барча устама мукофотлар ва қўшимча ҳақлар билан) ҳисобланади.

Сиз назарда тутаётган 2001 йил сентябрдан 2002 йил майгача бўлган иш ҳақи фақат ортиқча бажарилган соатлар учун (йил охиридаги натижаларга кўра) қўшимча ҳақ тўлаш учун ҳисобга олинади. У ҳам махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига тегишлидир.

**САВОЛ: муассасанинг асосий ишчиси ҳисобланган ходимнинг ўрнига, яъни унинг вақтинча бола парвариши таътили давридан то ишга тушгунгача қабул қилинган бошқа ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиблари қандай?**

**Л.СОНИЕВА,**
**Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонаси.**

**ЖАВОБ:** бундай шартномалар муддатли меҳнат шартномалари қаторига киради ва уларни бекор қилиш асослари ва тартиби МКнинг 105-моддасида белгилаб қўйилган. Ушбу моддага кўра, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан бекор қилинади. Мазкур ҳолатда меҳнат шартномасининг муддати ишга қабул қилинганда шартлашилган, яъни «асосий ходим бола парвариши таътили давридан то ишга тушгунгача» МКнинг 105-моддасининг 3-қисмига мувофиқ иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади. Бошқача қилиб айтганда мазкур ходим ишга чиққанлиги шартнома муддатининг ўтганлигини англатади.

Бундай шартномани муддати тугаганидан кейин бекор қилиш учун олдиндан тарафларни хабардор қилиш талаб қилинмайди ва ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

**САВОЛ: болани парваришлаш учун бериладиган 2 йиллик таътил даврида бўлган ходим газ ва электр таъминоти бўйича белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмайдими?**

**Д.РАҲИМБЕРДИЕВА,**
**Булоқбоши тумани.**

**ЖАВОБ:** бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган таътил ижтимоий таътиллар доирасига кириб, ходимларнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи МКнинг 149-моддасида белгилаб қўйилган. Бундай таътилдан фойдаланиш меҳнат шартномасини бекор қилиш дегани эмас.

МКнинг 234-моддасида кўрсатилганидек, болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади. Бу дегани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ 2832-сонли «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони билан белгиланган уй-жой коммунал хизматларига (буларга газ ва электр энергия) ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар тўла тўкис татбиқ этилади.

**САВОЛ: укамнинг болаларини фарзандликка олмоқчиман. Буни амалга ошириш учун менга қандай ҳужжатлар керак бўлади?**

**И.БЕКЖОНОВ,**
**Хазорасп тумани.**

**ЖАВОБ:** Оила Кодексининг 151-моддасида фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади. «Бола манфаатлари» деганда биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратилиши тушунилади.

Болани фарзандликка бериш ҳақидаги қарорни унинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда ваколатли орган (ҳоким) қабул қилади. Агар бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ бола фарзандликка олинадиган бўлса, бу ҳолатда, ҳар бир бола ҳақида алоҳида-алоҳида қарор чиқарилади. Оила Кодексининг 152-моддаси 2-қисмига кўра, фарзандликка олиш, фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органининг масалани ҳар томонлама ўрганиб берган хулосасига асосан қарор чиқарилади.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тариқасида васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш, фарзандликка олинадиган болалар яшаётган жойдаги халқ таълими бўлимлари зиммасига юклатилган.

Маълумки, эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига жуда катта масъулиятли вазифалар юкланган. Хусусан, ана шундай вазифани адо этишда Муборак тумани ИИБ ходимлари ҳам жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

**Суратда: Муборак тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Эшназар Қандаҳоров маҳалла фаоллари билан фикрлашмоқда.**



# МАКТАБДА «ПРЕЗИДЕНТ ПАРТАСИ»

Янгиер шаҳридаги 4-умумтаълим мактабида таълим-тарбия ишлари билан биргаликда ўқувчиларни қонунчилик ва касб сирларини ўргатишга катта эътибор қаратилган.

Таълим муассасасида жорий ўқув йилидан бошлаб шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан «Президент партаси» ташкил этилди. Партада ўтирувчилар ҳар ойда аниқланиб, улар бир ой давомида шу парта соҳиби бўлади. Эндиликда шаҳар ҳокимлиги аълочиларни стипендия билан таъминлаш имкониятларини қидиришмоқда.

-Мактабимизда бундай хайрли ишларнинг амалга оширилаётганлиги ўқитувчилар ва ўқувчиларимизни изланишга даъват этмоқда,-деди мактаб директори Феруза Неъматова «Туркистон-пресс» мухбирига.-Биз аълочиларимизни янада рағбатлантириш имконларини қидирмоқдамиз.

Мактаб ўқувчилари «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ҳам мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, Саноат Саидова танловнинг жорий йилда ўтказилган шаҳар ва вилоят босқичида муваффақиятли қатнашди.

Мактабда ўқувчиларнинг касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилялти. Ўқувчи қизлар гиламдўзлик сирларини ўрганишяпти. Уларнинг устози Саломат Яздонқулованинг «Миллий либослар дастаси», «Гиламдўзлик» номли китоблари республика халқ таълими вазирлиги ҳомийлигида нашрдан чиқарилди.

*Шарҳловчи минбари*

## ВЕНЕСУЭЛА: НЕФТ САНОАТИ ИНҚИРОЗИ

Венесуэлада ўн икки кундан буён давом этаётган иш ташлаш ва норозилик намойишлари мамлакат иқтисодиётини инқироз комига тортмоқда. Чунки, инқироз мамлакатнинг асосий экспорт манбаи бўлган нефт саноати фаолиятни қарийб, тўхтатиб қўйган. Ҳукумат ҳар қанча уринмасин, сиёсий тангликни тўхтатишга ожизлик қилмоқда.

Мухолифат эса президент Уго Чавес истеъфо ёки муддатидан аввал сайлов ўтказишга розилик бермагунча, иш ташлаш давом этишини маълум қилди. Венесуэла меҳнаткашлар конфедерацияси раиси Карлос Ортега мухолифат тарафдорларини кўчалар, чорраҳалар ва майдонларни эгаллашга чақирди.

Кузатувчилар агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, йирик нефт экспорт қилувчи давлат ҳисобланган Венесуэла ҳадемай ўзи нефт сотиб олишга мажбур бўлади, деган фикрни билдирмоқда. Яқинда «Петролеос де Венесуэла» давлат компанияси президенти Али Родригес ҳам ана шундай тушкин кайфиятда баёнот берди. У дипломатик корпус вакиллари билан учрашувда, фавқулодда вазият шароитида мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжини қондириш учун нефт импорт қилишга мажбур бўлади, деди.

Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилотининг (ОПЕК) собиқ бош котиби А.Родригес давлат нефт компаниясининг иш ташлаш оқибатида кўрган зарар миқдори ҳақида аниқ бир рақамни айтгани йўқ, албатта. Лекин кузатувчилар зарар катта миқдорни ташкил этаётганини ҳозирдан башорат қилмоқда. Буни ҳукумат вакиллари ҳам тасдиқлай бошлади. Масалан, Венесуэла Тоғ-кон ва энергетика вазирлигидан маълум қилинишича, мамлакат ҳар куни нефт саноатининг ўзидан 40 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўраётир.

Венесуэла ташқи ишлар вазири Рой Чадертон дипломатия корпуси вакиллари билан учрашгандан кейин, журналистларга дунё ҳамжамияти, Уго Чавеснинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётганини маълум қилди. Куни кеча эса Тоғ-кон ва энергетика вазири Рафаэл Рамирес радио орқали ОПЕК раҳбариятининг президент Уго Чавес номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. Мактубда ОПЕК раҳбарияти Венесуэладаги кўнгилсиз вазият тез кунларда ўз ечимини топишга умид билдирган.

Р.Рамиреснинг таъкидлашича, мазкур расмий баёнот ОПЕКка аъзо ўнта ҳамкор мамлакатнинг Венесуэла билан бирдамлигини намойиш этмоқда. Шунингдек, ушбу ташкилот аъзолари Венесуэлага нефт экспортини тиклаб олиши учун ёрдамини аямаслигини маълум қилган.

Венесуэла халқаро нефт бозорининг 36 фоизини эгаллаган ОПЕК ташкилотининг фаол аъзоларидан ҳисобланади. Инқироз туфайли Каракас халқаро бозорга нефт экспорт қилиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятни бажара олмаяпти. Бу эса нефт бозоридаги нарх-навога ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта.

## ЖАФНА ОРОЛИДА ТИНЧЛИК ЭПКИНИ

Шу кунларда Шри-Ланка халқи кўнглида мамлакатда ниҳоят тинчлик ўрнатилиши, ўттиз йиллик урушга барҳам берилишига умид пайдо бўла бошлади. Бу йил ҳукумат билан «Тамил Илама» озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи ўртасида ўт очишни тўхтатиш ва оролда тинчлик ўрнатиш борасида бир неча марта музокара бўлиб ўтди. Мулоқотлар, орол аҳолиси интиқиб кутганидек, ижобий якун топмоқда. Томонлар қон тўкиш бефойда экани, мақсадга фақат музокара йўли билан эришиш мумкинлигига тушуниб етган кўринади.

Эслатиб ўтиш жоизки, тинчлик музокараларининг якуний босқичи Норвегия ташқи ишлар вазирлиги воситачилигида Таиланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтмоқда.

Сўнгги хабарларга қараганда, ҳукумат билан «Тамил Илама» озодлик йўлбарслари» вакиллари ўртасида узоқ давом этган музокарадан кейин, келгусида Жафна оролида федератив давлат тузиш ғояси маъқулланган. Куни кеча Ослода бўлиб ўтган маслаҳатлашувдан кейин шундай қарорга келинди.

Келишувга биноан, Шри-Ланка федератив давлат бўлади. Унинг таркибида тамилларнинг мухторияти ташкил топади. Мазкур келишув ҳаётга жорий қилинадиган бўлса, унитар давлат ҳисобланган Шри-Ланканинг 1978 йилда қабул қилган конституциясини қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Музокарада иштирок этган саноатни ривожлантириш вазири Гамини Пиериснинг таъкидлашича, энди оролда тинчлик жараёнининг охирига етиши муқаррар бўлиб қолди. «Тамил Илама» озодлик йўлбарслари» вакили Антон Баласингам эса, «йўлбарслар» бундан буён қўлга қурол олмаслиги ва зўравонликдан воз кечишини айтди. Энг сўнгги ҳал қилувчи музокара ҳам яна Таиландда ўтиши кутилмоқда.

Жафна оролида тинчлик ўрнатиш борасида эришилган муваффақиятни сиёсий кузатувчилар юқори баҳоламоқда. Уларнинг фикрича, эришилган келишув оролда ўттиз йил давом этган ва 60 мингдан зиёд одамнинг ёстиғини қуритган урушга буткул барҳам беради.

Шри-Ланка Ҳинд Океанида жойлашган кичик орол мамлакат. Аҳолиси йигирма миллионча. Шунинг уч ярим миллиони тамиллардан иборат. Мамлакатнинг асосий экспорт манбаи чой ва цитрус мевалари. Шунингдек, у сайёҳликдан ҳам яхши даромад олади.

Шри-Ланкада урушни тўхтатиш учун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракати билан илгари ҳам бир неча бор тинчлик музокаралари ўтказилганди. Бироқ ҳар гал қайсидир томоннинг айби билан қайта уруш бошланиб кетган.

Тинчлик ўрнатилгандан кейин Шри-Ланка ҳукумати мамлакатни юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида иқтисодий имкониятларни ишга солиши табиий. Бу ҳаракат Шри-Ланканинг халқаро майдондаги обрўсини ҳам оширади, албатта.

**(ЎзА).**

## МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ

Президентимиз томонидан 2003 йилнинг республикамизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Шаҳрисабз туманидаги Тўдамайдон қишлоқ фуқаролар йиғинида фаоллар мажлиси ўтказилди.

Унда барча хонадонларни газ билан таъминлаш, маҳалла гузарларини ободонлаштириш, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, ишсизликни бартараф этиш, маҳалла ва оила тинчлигини муҳофаза қилиш каби бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Худойқулов, Ғани Бобоёров номли жамоа ширкат хўжалиги раиси Ш.Бобоёров, Абдунаби Ҳасанов номли асалчилик пайчилик жамияти раиси Н.Асқаровлар сўзга чиқиб, энг аввало маҳалла тинчлигини муҳофаза қилишни, ободонлаштириш ишларини яхшилаш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

**Мансур ЮНУСОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.**

*Кўрнамаклар*

***Профилактика инспекторлари зиммасида кинғир ишга қўл уриб, жиноят содир этган кишиларнинг жазо олишларини таъминлаш эмас, балки улар жазони ўтаб келганидан сўнг ҳаётда ўз ўрнини топишларига ҳам яқиндан ёрдам бериш масъулияти туради. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ишга жойлашишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганларнинг 4547 нафари бевосита профилактика инспекторларининг хизматидан баҳраманд бўлишди.***

# ЯНА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРИШДИ

Шунингдек, ижтимоий-моддий ёрдам сўраганларга 150 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилди. Бироқ ҳукуматимизнинг йўлдан адашганларни авф этиши ва уларни озодликка чиққанидан кейин ҳам моддий, маънавий қўллаб-қувватлашига қарамай яна қайта жиноятга қўл ураётганлар ҳам учраб туриши кишини ташвишга солади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жазо муддатини амнистия туфайли барвақт ўтаб қайтганларнинг баъзилари яна қайта жиноятга қўл урмоқда. Ҳар қандай жамиятда ҳам вояга етмаганлар ва аёлларга кўрсатиладиган мурувват инсонийликнинг энг олий намунаси сифатида баҳоланади. Шу боис Президентимиз Фармонига кўра уларнинг жазодан муддатидан олдин озод этилиши жуда хайрли иш бўлди. Бундай имкон жамиятимизнинг келажаги бўлган ёшларни айниқса қувонтираяпти. Натижа эса чакки эмас, муқаддам судланган вояга етмаганларнинг аксарияти ҳаётда ўз ўрнини топиб олмоқда. Бу борадаги камчиликларнинг бош сабабчиси оиладаги муҳит, маҳалладаги эътиборсизлик туфайлидир. Энг ёмони одамларимиз дилида ўрнашиб қолган одат, яъни судланган шахсга милиция қараши керак, деган тушунча ўзгаришсиз қолиб келаяпти. Ваҳоланки, улар тарбиясига барча маъсул бўлиши кераклиги кўп бора уқтирилаяпти.

Яқинда Сирдарё туманида икки нафар муқаддам судланган ёш йигит яна қайта оғир жиноятга қўл урди. Кира қилган машина ҳайдовчисига йўл ҳақи тўламасдан уни бўғиб ўлдириб, машинани ташлаб кетишган. Уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганимизда « катта бўлиб қолди, нима қилса ўзи билади», дейишди. Ота-онанинг бундай дунёқараши ёшлар тарбиясини шакллантиришда жамиятимизда тўғаноқ бўлаётган иллатлардан бири эмасми?

**Ш. РЎЗИЕВ,**
**ИИБ ходими,**
**милиция майори.**








# ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОРЛАР

Яқинда таҳририятимизнинг Қаршидаги қабулхонасига бир аёл кириб келди.

– Қарши туманидаги «Насаф» жамоа-ширкат хўжалигининг Ғубдин қишлоғида яшовчи Момогул Темирова бўламан, – дея ўзини таништирди ая. – Ҳузурингизга келишимдан мақсад – газетангиз орқали вилоят шифохонаси жарроҳлик бўлимида ишлаётган, 35 ёшли ўғлимни ўлимдан олиб қолган моҳир шифокор Маманазар Пардаев ва унинг ҳамкасбларига миннатдорчилигимни изҳор этсангизлар.

Бўлимнинг катта ҳамшираси Фотима Норбоева ҳамкорлигида ғубдинлик Момогул Темированинг ўғли Акобиржон Ўринов билан суҳбатлашдик.

– Бахтсиз тасодиф туфайли аварияга учраб касалхонага тушдим, – дейди у. – Маманазар аканинг қўлидан шифо топиб, ҳаётга қайтдим.

Дарҳақиқат, Акобирнинг аҳволи оғир эди. Қўли енгил шифокорларнинг билим ва маҳорати, муолажалари туфайли операция муваффақиятли ўтиб, бемор соғая бошлади.

Маманазар Пардаев, Янгибой Бердимуродов, Шомурод Қурбонов, Даврон Рустамов, Азамат Жалилов, Фотима Норбоева, Лола Султонова, Фароғат Каримова, Дилафруз Жамилова каби саломатлик посбонларидан Акобирнинг ўзи ҳам, онаси ва фарзандлари ҳам умрбод миннатдор.

Шифохонада дардига даво топган, айни пайтда «Шўртангазкимё» мажмуида ишлаётган Таиланд фуқароси Сансон, вилоятнинг турли туманларидан ташриф буюрган Соҳиба Қўшонова, Бибийзайнаб Алимова, Шавқиддин Қудратов, Жонпўлат Бегимов, Саломат Бухарёва сингари беморлар ўз миннатдорчиликларини севинч ёшлари билан изҳор этдилар.

Олтин олма дуо ол, деб бежиз айтмайдилар. Шифокор Маманазар Пардаев қарийб чорак асрдан бери одамларнинг дуосини олиб, элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ташаббус*

# КЎЧАМИЗ БОЛАЛАРИ

Шарқона турмуш тарзи билан боғлиқ миллий қадриятларни кенг йўлга қўйиш, ўқувчи-ёшларни спортга қизиқтиришда маҳаллаларнинг тутган ўрни катта, албатта. 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу борадаги фаолият турларига бўлган эътибор янада кучайди.

Хусусан, Собир Раҳимов туманида «Маҳалламиз болалари» деб номланган мусобақа кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Республика Маҳалла жамғармаси ҳамда қатор ташкилотлар саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу тадбирда Иброҳим ота маҳалласи билан Навоий маҳалласида жойлашган мактаб ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

Мусобақа шарти бўйича «Тафаккурни ўстиришга доир савол-жавоблар» ҳам ташкил этилди. Маҳалла тарихини акс эттирувчи саҳна кўринишлари эса зўр қизиқиш билан томоша қилинди. Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**А. АКБАРОВ.**

*Истеъдод*

# «ОҲУ-2002»

Яқинда Паркент туман маданият уйи зали назокат-у латофатни чин юракдан ҳис қилувчи, рақснинг сеҳрли оламига ошуфта санъатсеварлар билан тўлди. Бир сўз билан айтганда, мактаб қизлари ўртасида «ОҲУ-2002» рақс кўрик-танловини ўтказиш ташаббуси билан чиққан болалар ва ўсмирлар Ижодиёт маркази ходимларининг саъй-ҳаракатлари бекор кетмади.

— Танлов ўтказишдан мақсад, - дейди БЎИМ директори Дилфуза Азимова, - қизлар орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш, уларни кенг халқ оммасига таништириш, қолаверса, томошабинларга эстетик завқ-шавқ бағишлашдир. Бугунги кунгача Ижодиёт марказидан Зулфия Султонова, Мадҳия Толипова, Наима Қодирова, Нафиса Азимова каби мутахассис раққосалар етишиб чиққанлиги ва бугун эл хизматида эканлигидан фахрланамиз.

Айтиш жоизки, кўрик-танлов ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Айниқса, Ижодиёт марказининг «Чарос» раққоса қизлар гуруҳи чиқиши ажойиб бир гулшанни эслатди. Улар ижросидаги «Лолажон», «Қалдирғоч», «Тановор» рақслари ва 5,10,30-мактабларнинг раққоса қизлари хироми гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Танловда З.Маъмурова, Х.Бўриева, Д.Мухторова, Ш.Султонова, Ю.Эсонова, У.Абдукаримова, И.Тўлаева, Ф.Азимбоева, М.Омонбоева каби раққоса қизлар Низомда белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

**С.ДАДАЕВА.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, буюк аждодларимизга бағишланган ҳужжатли фильмлар яратишга ҳам дадил киришилди. Шу ўринда «Биз билган ва билмаган тарих» деган туркумда суратга олинган экран асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

# АРМУҒОН ФИЛЬМЛАР

Бу ижод намуналари орқали томошабинлар халқимиз тарихига доир муҳим воқеалар билан яқиндан танишадилар. «Ўзбек телефильми» студияси маҳсули сифатида бу фильмлар кенг оммалашмоқда.

Шуниси эътиборга сазоворки, мазкур фильмлар нусхалари «Ўзбекистон халқлари тарихи» музейи экран асарлари бўлимидан ўрин олди. Студия томонидан суратга олинган «Оғир синовлар даври» деган кўп қисмли ҳужжатли видеофильм музейга тортиқ қилинди. Шунингдек, тўрт қисмдан иборат «Тарих ҳукм чиқаради» ҳужжатли фильми ҳам музейнинг мулкига айланиб қолди.

Бу ҳадя фильмлар музей-экспонатларини томоша қилиш вақтида кўргазмали видеофильмлар қаторида намойиш қилинади.

**А.АЛИЕВ.**

*Улоқ-кўпкари бўйича I Ўзбекистон чемпионати*

***Аввал хабар қилганимиздек, 11-15 декабр кунлари Жиззах отчопарида Конституциянинг 10 йиллиги ҳамда Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган улоқ-кўпкари бўйича I Республика чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.***

# АСЛ ЧАВАНДОЗЛАР АНИҚЛАНДИ

Ушбу нуфузли спорт ўйинининг Жиззахда ўтказилиши бежиз эмас. Машҳур чавандозлар – Бекбўта, Холбўта ва Омон полвонларни нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам яхши билишади. Бугунги кунда уларнинг муносиб издошлари етишиб чиқаётир. Булар – Шертой, Бунёд, Рустам, Элмурод полвонлардир.

Ҳадиси шарифда ёзиладики, «Тоза зотли от турган ҳовлига ёвуз руҳлар кирмагай. Ҳар тун Оллоҳ фариштаалари кўкдан тушиб, унинг пешонасидан ўпгай ва эгасига Яратгандан марҳамат тилагай». Яна айтишларича, от тушликкача ўзига, тушдан сўнг эгасига Оллоҳдан ризқ-насиба тиларкан.

– Чемпионатни ўтказишдан мақсад, – дейди мусобақа бош ҳаками Жўрақўзи Турдиматов, – республикада спортнинг миллий тури - улоқ-кўпкарини оммавийлаштириш, миллий терма жамоа таркибига иқтидорли, чавандоз-полвонларни, отларни танлаб олишдан иборатдир.

Мусобақада республикамизнинг 10 та вилоят терма жамоаси иштирок этди. Полвонлар 200 х 100 метр ўлчамдаги майдонда ҳар бири 20 дақиқалик икки бўлимли баҳсда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Гуруҳларда 1, 2-ўринларни эгаллаган Тошкент, Жиззах, Андижон ва самарқандлик чавандозлар ярим финалда қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Тошкент ва Самарқанд вилоятлари жамоалари ўртасидаги дастлабки беллашувда тошкентликлар 6 марта түйқозонга улоқ ташлашди. Самарқандликлар эса икки бор зафар қучишди. Иккинчи ярим финал баҳсида жиззахлик чавандозлар андижонликлар билан ўзаро беллашиб, 2:1 ҳисобида ғолиб чиқишди. Финал мусобақаларида жиззахлик чавандозлар тошкентлик полвонларга 2:0 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Ғолиблар чемпионатнинг олтин, кумуш, бронза медаллари ва дипломларига сазовор бўлишди ҳамда вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Мусобақада наманганлик 24 ёшли полвон Ҳикмат Отақўзиев — «Энг яхши чавандоз», қашқадарёлик 56 ёшли Худойберди Аллаев — «Энг кекса чавандоз» совринини қўлга киритдилар. Ш.Назаров (Навоий), Б.Элтоев (Самарқанд), А.Ҳамидов (Андижон), Р.Умматов (Сирдарё)лар түйқозонга энг кўп улоқ ташлаб, томошабинлар олқишини олдилар.

* * *

**Хайрулло НАЗАРОВ, Навоий вилояти жамоаси раҳбари:**

– Вилоятимизда от спорти тобора ривожланиб бормоқда. Қишлоғимиздан чиққан Кўчқор ва Нурим полвонларнинг фахрий издошлари бўлган Шавкат Назаров бугун Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси саналади.

Мазкур мусобақадан катта таассуротлар олдик. Хусусан, жаҳон талабларига жавоб берадиган мавжуд спорт иншооти қалбимизда фахр туйғуларини уйғотди. Вилоятимизда ҳам шундай спорт масканлари бўлишини ният қилиб қайтаяпмиз.

**Асадулла ОТАҚЎЗИЕВ, Наманган вилояти жамоаси аъзоси:**

– Мустақиллик йилларида спортнинг бу турига ҳам эътибор кучаймоқда. Масалан, Уйчи туманида уч минг ўринли отчопар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ота-боболаримиздан қолган «От устида кураш», «Танга олиш», «Оломон улоқ», «Қиз қувди» сингари от спорти турлари сингари бугунги «Түйқозонга уриш» мусобақасининг ташкил этилгани мени хурсанд этди. Бундай мусобақалар кўпайиши тарафдоримиз.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЧАҚҚОНЛАР КЎРИГИ

Андижон вилоятида касаба уюшма ходимлари ўртасида спортнинг 5 та тури бўйича тармоқлараро беллашув ўтказилди. Мусобақа ғолиблиги таълим ва фан ходимларига насиб этди.

Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасидаги беллашувларда Андижон шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи Алишер Каримжонов пешқадамликни қўлга киритди. Шаҳардаги 50-ўрта мактаб муаллимаси Марина Муҳаммедова эса аёллар ўртасида «Энг яхши ракеткачи» номини олди. Пахтаободлик Иброҳимжон Каримовга шоҳмот баҳсларида тенг келадиган рақиб топилмади. Андижон туманилик шашкачи, спорт мактаби мураббийи Абдуқодир Тоштемиров ҳам ҳужумкор ўйинлари билан ишқибозларни ҳаяжонга солди.

Балиқчилик полвон, болалар боғчаси ходими Исмоил Қарашев тош кўтаришда барча рақибларини доғда қолдиришга муваффақ бўлди.

**Собиржон РЎЗМАТОВ.**

## ЛИЦЕЙ ҚОШИДА СПОРТ КЛУБИ

Янгийўл шаҳридаги академик лицей қошида тўрт йилдан буён спорт клуби фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда юз нафарга яқин ўқувчилар жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ғофур Бобохонов мураббийлигида стол тенниси, волейбол, шоҳмот, шашка ва каратэ сирларни ўрганишмоқда.

Лицейнинг ёш спортчилари яқинда «Умид ниҳоллари» мусобақаларида иштирок этишди. Қизғин ўтган беллашувларда ўз омадларини синаб кўрган Ғофур Бобохонов шогирдлари стол тенниси ва шоҳмот бўйича биринчи, волейбол бўйича иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, билим масканида ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Спорт клубидан ташқари «Инглиз тили» ва «Ёш қаламкашлар» тўгараклари ишлаб турибди. Малакали педагоглар – Б.Эргашева ва Ф.Бошсаровалар мазкур тўгаракларда мунтазам равишда машғулотлар олиб боришмоқда.

– Ўқувчиларимизнинг жисмонан соғлом бўлишлари, билим ва малакаларини оширишда ушбу дарсдан ташқари машғулотлар муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди академик лицей раҳбари Раим Қаршиев. – Бўш вақтларини фойдали ишларга сарфлаётган ёшларимиздан умидимиз катта.

**Дилфуза МАЖИДОВА.**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда*

***Мамлакатимиз олийгоҳлари орасида ўз нуфузига эга бўлган Бухоро Давлат университети касаба уюшма қўмитаси ўз сафига 5 минг 500 нафарга яқин профессор-ўқитувчи, ходим ва талабаларни бирлаштирган. Таъкидлаш керакки, жамоа шартномаси муҳим ҳужжат бўлганлиги учун ҳам унга алоҳида эътибор қаратилган. Дастлаб таклиф-мулоҳазалар ўрганилиб, умумлаштирилади, сўнг умумий йиғилишда муҳокама қилинади. Шунинг учун ҳам унда жамоа аъзоларининг меҳнат шароити, илм олиши, ходимлар маоши ва талабалар стипендияларининг ўз вақтида берилиши, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш сингари долзарб масалалар тўла қамраб олинади. Жамоа шартномасининг бажарилиши касаба уюшма қўмитаси мажлислари, маъмурият томонидан ўтказиладиган илмий кенгаш, ректоролди йиғилишларида мунтазам равишда таҳлил этилиб, назорат қилиб борилмоқда. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат: жамоа шартномасидан барча хабардор бўлиши учун унинг матни университетнинг «Маърифат нури» газетасида эълон қилинади.***

# МЕҲНАТНИ РЕЙТИНГ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ

Касаба уюшма қўмитаси ўз фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши бўлган ижтимоий ҳимояга жиддий эътибор қаратмоқда. Масалан, биргина 2000 йилда маъмурият бу мақсад учун 18 миллион, ходимлар касаба уюшма қўмитаси 800 минг, талабалар касаба уюшмаси 1 миллион 250 минг сўм маблағ сарфлади. Шунингдек, бунда бюджетдан ташқари топилган маблағлардан ҳам оқилона фойдаланилмоқда.

Олийгоҳда профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимларнинг фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилган. Жумладан, ўқув йили давомида 5000 ва ундан ортиқ балл тўплаганлар юз, 2500 балл тўплаганлар эллик фоиз устама иш ҳақи билан рағбатлантирилмоқда. Жорий ўқув йилидан бошлаб эса 8000-10000 балл тўплаганларга 150 фоиз устама иш ҳақи тўланмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ана шундай имкониятдан юз нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар фойдаланди. Очиғини айтиш керак, бундай усул иш ҳақининг озлиги ҳақидаги гап-сўзларга чек қўйиб, ўқитувчи ва ходимларнинг фаолиятини жонлантирди. Натижада таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий этиш, электрон китоблар, янги дарслик, ўқув-қўлланма, маъруза матнларини яратиш, маънавий-маърифий ишларнинг яхшиланишига олиб келди.

Кўп болали, ёрдамга муҳтож ўқитувчи, ходим ва талабаларни моддий рағбатлантириш ҳам касаба уюшма фаолиятининг энг зарур йўналишига айланган. Масалан, 2000 йилда профессор-ўқитувчиларга 11523400, ишчи-ходимларга 2542000, аспирантларга 69000, талабаларга 4748000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма қўмитаси «Соғлом авлод учун», «Она ва бола», «Қарияларни қадрлаш» давлат дастурларини амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. 2001-2002 ўқув йилида 29 нафар профессор-ўқитувчи марказий санаторий ва дам олиш масканларига йўлланма олди. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида эса 325 талаба дам олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, университетнинг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган профилакторийсида ҳам ўқитувчи, ишчи-ходим, талабалар ўз соғлиқларини тиклаш учун зарур муолажалар олишмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси фаолиятида комил инсонни тарбиялаш вазифаси етакчи ўрин эгаллайди. Касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасида маънавий-маърифий ишлар режаси тузилган. Талабалар иштирокида «Мулоқот» соатлари, маъруза, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ва учрашувлар ўтказилмоқда. «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар», «Энг яхши ўқув гуруҳи», «Энг яхши хона» каби танловлар талабалар орасидан талантли ёшларни саралашда, ўқув корпуси ва ётоқхоналарда тартиб-интизом ва озодаликни йўлга қўйишда қўл келмоқда.

Бухорода мамлакатимиз талаба-ёшларининг универсиада ўйинлари ўтказилиши университет жамоаси ҳаётида ўчмас из қолдирди. Талабаларнинг кичик олимпиадаси ҳисобланган бу тадбирда касаба уюшмаси ҳам фаол иштирок этди. Мусобақани ташкил этиш, меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, уларга қулай шароитлар яратиш, маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш, қадимий шаҳримизнинг бебаҳо тарихий обидалари билан таништириш каби бир-биридан қизиқарли ва мазмунли тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Талабаларимиз футбол, қўл тўпи, стол тенниси, миллий кураш, катта теннис, баскетбол, енгил атлетика, дзюдо, сузиш, белбоғли кураш бўйича фахрли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Ҳозир жамоа 2004 йил Самарқандда ўтказиладиган навбатдаги мусобақага тайёргарликни бошлаб юборган.

**Р.САЛОМОВ,**
**БухДУ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси,**
**Ш.БОЛТАЕВ,**
**олийгоҳ доценти.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9110 Буюртма Г— 1118. 1 2 3 4 5 6